



АТРОФ-МУҲИТ ТУШУНЧАСИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИГА ДОИР ИЛМИЙ ЁНДОШУВЛАР

Шерматов Элёр Хусанович

Тошкент давлат юридик университетининг
мустақил изланувчиси
elyor_shermatov@mail.ru

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.10439072>

ARTICLE INFO

Received: 19th December 2023

Accepted: 27th December 2023

Online: 28th December 2023

KEY WORDS

Атроф, муҳит, муҳофаза, экология, тушунча, ифлосланиши, иқлим, ўзгариш, “яшил” иқтисодиёт, сақлаш.

ABSTRACT

Мазкур мақолада атроф-муҳит тушунчасининг назарий жиҳатларига доир илмий ёндошувлар таҳлил этилган. Шунингдек, мақолада фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи табиий ҳуқуқ сифатида ҳар бир индивиднинг ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, шахсий ва бошқа ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини атроф табиий муҳитнинг оптимал, яъни энг оқилона шарт-шароитларида амалга оширишга, давлатдан, барча юридик ва жисмоний шахслардан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларини бажаришни талаб қилиш билан боғлиқ мунозарали масалалар ўрганилган.

Бугунги кунда атроф-муҳитнинг ифлосланиши, иқлим ўзгариши ва табиий ресурслардан самарасиз фойдаланиш билан боғлиқ глобал муаммолар барқарор ривожланишга эътибор қаратиш, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида янги форматдаги мутахассислар ва экспертларни тайёрлаш, шунингдек, муаммоларни ҳал қилишда инновацион ёндашувларни жорий этишни талаб этмоқда.

Сўнгги йилларда экологик кун тартиби Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирилиб, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш, “яшил” иқтисодиётга ўтиш ҳамда қаттиқ маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш йўналишларида концепция ва стратегиялар қабул қилинди.

Шу билан бирга, экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатни бошқариш соҳасидаги интеллектуал ва илмий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш даражасининг пастлиги, шунингдек, минтақавий даражада барқарор ривожланишнинг долзарб масалаларини ўрганиш бўйича ягона тадқиқот платформаси мавжуд эмаслиги каби қатор муаммолар ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратишни тақозо этмоқда.

Шулардан келиб чиқиб, “атроф-муҳит”, “атроф табиий муҳит” тушунчаларига тўхталиб ўтамиз. Чунки илмий адабиётларда “атроф-муҳит”, “атроф табиий муҳит”,



“инсонни ўраб турган атроф табиий муҳит” ва шунга ўхшаш атамаларни тез-тез учратиш мумкин.

Ю.С.Шемшученконинг таъкидлашича, бу атамалар жуда кўп умумий жиҳатларга эгадирлар, зеро, моҳиятан, уларнинг ҳар бири истиқомат қиладиган табиий муҳитни англатади¹. Шу билан бирга, бир қатор объектив сабабларга кўра, “атроф-муҳит” атамаси яхлитлаштирувчи ва бирлаштирувчи роль ўйнайди деб ҳисобланади. К.Мишев ва М.Даневаларнинг фикрича, “бу атама бошқа атамаларга қараганда анча кенгроқдир, аммо кўплаб тавсифларга эга бўлмаганлиги сабабли ундан кенг фойдаланиш имкониятини беради”².

Бизнинг фикримизча эса, “атроф-муҳит” ва “атроф табиий муҳит” атамалари жуда тўғри ном билан айтилган атамалардир.

Экология муаммолари бўйича замонавий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий кўпчилигида айнан “атроф табиий муҳит” ибораси қўлланилади³. Аммо “атроф табиий муҳит” тушунчасини англаб етишда кўпгина саволлар юзага келади. О.С.Колбасов уни ҳаддан ташқари кенг шарҳлаш хавfli эканлигидан огоҳлантиради. Унинг айтишича, “табиат (атроф муҳит) инсоният жамиятидан ташқарида турган, уни ўраб турган бутун моддий оламдир”⁴.

Бизнинг назаримизда, атроф табиий муҳитга берилган кўплаб тавсифлардан энг тўғриси В.В.Петров таклиф этган тавсифдир. У шундай деб ёзади: “Атроф табиий муҳит инсон истиқомат қиладиган табиий муҳит, яъни биосферадир. У инсон ва бошқа тирик жонзодлар учун яшаш шароити, воситаси ва ўрни бўлиб хизмат қилади. Кенг маънода табиатни табиий экологик тизимлар сирасига тизим сифатида, атроф муҳитни эса табиий муҳитнинг инсон фаолияти натижасида ўзгартирилган қисми сифатида киритишади”⁵.

Бизнинг назаримизда, инсонларнинг қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи объектив маънода ҳуқуқий нормаларнинг соҳалараро мураккаб комплекси ҳисобланади. У турли хилдаги индивидуал ва ижтимоий экологик манфаатларини амалга ошириш учун юридик кафолатларни бунёд этиш мақсадида атроф табиий муҳит соҳасида инсон, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тартибга солишга йўналтирилгандир.

Фуқароларнинг қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи табиий ҳуқуқ сифатида ҳар бир индивиднинг ўз сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий, шахсий ва бошқа ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонуний манфаатларини атроф табиий муҳитнинг оптимал, яъни энг оқилона шарт-шароитларида амалга оширишга, давлатдан, барча юридик ва жисмоний шахслардан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича конституциявий мажбуриятларини бажаришни талаб қилишга, шунингдек, улар бу мажбуриятларини бажармаган ҳолларда давлат ва жамиятга ҳимоя қилишни сўраб

¹ Шемшученко Ю. С. Организационно-правовые вопросы охраны окружающей среды в СССР. – Киев, 1976, с.9.

² Мишев К., Данева М. Основная терминология по охране окружающей среды. /Рациональное использование природных ресурсов и охрана окружающей среды. – М.: 1993.

³ Ерофеев Б.В., Экологический право России. 11-е изд.-М.: Профобразование, 2003.

⁴ Колбасов О.С. Экология: Политика-право. – М., 1996. 17-19-бетлар.

⁵ Петров В. В. Правовая охрана природы в СССР, – М., 1984., 210-бет.



муружаат қилишга бўлган конституциявий санкцияланган, давлат томонидан кафолатланган, реал, доимий ва олиб қўйилмайдиган ҳуқуқлари мажмуасидир. Бошқача сўзлар билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ фуқаролар атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга мажбур эканлиги ва уни муҳофаза қилиш⁶ни кафолатлайди.

Ҳар бир шахс давлатдан, барча юридик ва жисмоний шахслардан инсоннинг ҳаёт фаолияти учун қулай экологик шароит яратиш ва уларни муҳофаза қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Ушбу қонуний ҳуқуқнинг моҳияти тегишли табиий ҳуқуқ эгалари бўлмиш инсонларга ҳуқуқни қолган барча субъектларининг қулай атроф табиий муҳитни сақлаб қолиш ва муҳофаза этиш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари устидан назорат олиб боришнинг ҳуқуқий асосини яратиб беришдан иборатдир. Ҳар бир шахс давлатдан ўз экологик функциялари доирасида қонунчиликда назарда тутилган чоратадбирларни тегишли равишда амалга оширишни талаб этишлари мумкин. Бу ерда гап асосан атроф муҳит сифатини режалаштириш ва нормага солиш, экологик зарарли фаолиятларни бартараф этиш, авариялар, ҳалокатлар, табиий офатлар олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш, атроф муҳитни соғломлаштириш, экологик қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат олиб бориш, экологик хавфсизлик ва барқарор тараққиёт концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш, тегишли чоралар кўриш борасидаги давлат мажбуриятлари тўғрисида кетмоқда.

Ўзбекистон Республикаси атроф табиий муҳитининг ҳозирги ҳолати атроф табиий муҳитни сақлаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлашга қаратилган илмий асосланган давлат сиёсатини олиб боришни талаб этади. Айнан шу сабабдан, давлатимизнинг экологик сиёсатга оид стратегик сиёсатининг мақсади жамиятни барқарор ривожлантириш, ҳаёт кечириш сифатини ошириш, фуқароларга қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун экологик тизимни сақлаш, табиий ресурслар ҳолатини яхшилаш, уларнинг бутунлиги ва ҳаётни таъминлаш функцияларини қўллаб-қувватлашдир⁷.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 12-моддасида, “Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ўз саломатлиги ва келажак авлоднинг саломатлиги учун қулай табиий муҳитда яшаш, ўз саломатлигини атроф муҳитнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш ҳуқуқига эга.

Ана шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиатни муҳофаза қилиш бўйича жамоат ташкилотларига бирлашиш, атроф табиий муҳитнинг аҳволи ҳамда уни муҳофаза қилиш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга доир ахборотларни талаб қилиш ва олиш ҳуқуқига эга.

⁶ <https://lex.uz/docs/6445145>

⁷Файзиёв Ш.Х. Теоритические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2004, -бет.



Ўзбекистон Республикаси аҳолиси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиши, табиат бойликларига эҳтиётлик билан муносабатда бўлиши, экология талабларига риоя этиши шарт”⁸, деб берилган.

Шунингдек, ҳар бир шахс ўз экологик манфаатларини муҳофаза қилиш учун жинсий ва маъмурий-ҳуқуқий чоралар қўлланишини талаб қилиш ҳуқуқига ҳам эгадирлар.

Атроф-муҳит ҳолати инсоннинг ҳаётининг фаолияти жараёнлари ва натижаларига салбий таъсир кўрсатмайдиган, антропоген ўзгарган атроф-муҳитга ва табиий ҳолатдаги экотизимларга эга бўлиш инсоннинг қулай атроф муҳитда яшаш табиий ҳуқуқининг объектидир⁹. Ер қуррасининг жуда кўп ҳудудлари инсон ҳаётининг бошиданоқ унинг фаолияти учун яроқсиз бўлганлиги ва ҳозир ҳам яроқсиз ҳолда эканлигидан қатъи назар, экотизимларнинг айнан табиий ҳолати атроф-муҳитнинг қулайлигини ва антропоген таъсирнинг даражасини аниқлашда таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилиши лозим.

Юридик адабиётларда инсоннинг нормал ҳаётининг фаолияти учун зарур бўлган сифатли табиий вазиятнинг турли номлари ишлатилади. “Хавфсиз атроф муҳит”, “соғлом атроф муҳит”, “қулай атроф муҳит” ва шу каби номлар шулар жумласидандир. Эҳтимол ушбу атамалар ўртасида бироз бўлса-да фарқ бордир. Аммо улардаги фарққа лексик жиҳатдан урғу беришни бир чеккага йиғиштириб қўядиган бўлсак, юқорида санаб ўтилган атамаларнинг барчасида гап инсоннинг оқилона турмуш кечиришини таъминлай оладиган ва антропоген натижасида ўзгарган атроф табиий муҳит сифати тўғрисида эканлигига амин бўламиз. Биз ушбу ишда асосан “қулай атроф табиий муҳит” атамасини ишлатмоқдамиз. Бу атама халқаро ва миллий даражада кенг тан олинган, бундан ташқари “қулай” атамаси “соғлом”, “хавфсиз” сўзларининг маъносини тўлиқ акс эттиради.

Атроф табиий муҳит сифати тушунчаси фақат юридик нуқтаи назардан эмас, балки табиий-илмий, ижтимоий-иқтисодий ва ахлоқ нуқтаи назарларидан ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Шу маънода В.В.Петров томонидан таклиф этилган тавсиф алоҳида эътиборга лойиқдир. У шундай деб ёзади: “Экологик тизимларнинг ҳаётни қайта тиклайдиган, табиат ва инсон ўртасида доимий ва ўзгармас тарзда модда ва энергия алмашинуви жараёнларини таъминлайдиган ҳолат атроф-муҳит сифати ҳисобланади. У ўзини-ўзи тартибга солиш, ўзи учун зарарли моддалардан ўзича, ўзгалар тозаланиши орқали таъминланади”¹⁰.

Муаммонинг юридик жиҳати расман тан олинган, атроф-муҳит сифатини баҳолашнинг юридик нуқтаи назардан аниқ мезонлари мавжуд бўлишини тақозо этади.

⁸Ўзбекистон Республикасининг “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 12-моддаси.
<https://lex.uz/docs/107115#107228>

⁹ Самойлов С. Атроф-муҳит муҳофазасидаги устувор вазифалар. —Еко ҳаёт газетаси, 2014 йил 5 февраль. 18-сон.; Мирзаабдуллаева М.Р. Атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг экологик-ҳуқуқий механизми соҳасида хорижий давлатлар тажибаси // Инсон ҳуқуқларини таъминлашда ҳуқуқ устуворлиги» (мавзусидаги республика илмий-амалий конференция). – Тошкент 2018. – Б. 82.

¹⁰ Охрана окружающей природной среды: Постатейный комментарий к Закону России. – М., 1993, 63 стр.



“Кулай атроф-муҳит” тушунчасини ишлаб чиқишда 1972 йилда қабул қилинган “Инсонни ўраб турган атроф муҳит тўғрисидаги Стокгольм декларацияси” умумий мезон бўлиб хизмат қилиши мумкин. Декларацияда ушбу атама “атроф-муҳитдаги қулай турмуш шароитлари” деб тавсифланган, унинг сифати муносиб ҳаёт кечиришга имкон яратади. Аммо Ю.С.Шемшученко адолатли таъкидлаб ўтганидек, атроф муҳит сифатининг халқаро ҳужжатларда қайд этилган умумий кўрсаткичлари инсоннинг қулай атроф-муҳитда яшаш ҳуқуқини шаклан эълон қилиш учунгина етарли, холос. Атроф-муҳит сифатини объектив равишда баҳолаш учун эса миллий-ҳуқуқий тизимлар доирасида “маҳсус, давлат органлари томонидан расман тасдиқланган нормативлар бўлиши лозим”¹¹.

Маҳсус илмий адабиётларда жуда тўғри таъкидланганидек, мамлакат иқтисодий тармоқларида ўтказилаётган тузилмавий ўзгаришлар, транспорт оқими ва юк ташувчи оқимининг ошиши, қишлоқ хўжалиги ва саноат ишлаб чиқаришнинг жадаллашуви, шаҳар аҳолисининг сезиларли кучайиши шароитида атроф-табiiй муҳитни муҳофаза қилиш, табiiй ресурслардан оқилона фойдаланишни ташкил қилиш, табiiй ресурсларни қайта ишлаш аҳоли ва экология тизимларининг экологик хавфсизлигини таъминлаш муаммоларини ҳал этиш бизнинг давлатимизнинг муҳим вазифаси ҳисобланади¹².

Шундай экан, атроф-табiiй муҳит сифатини баҳолашнинг ҳуқуқий мезонларини аниқлаш у ёки бу табiiй омилларнинг инсон учун илмий асосланган ва қонунда мустаҳкамлаб қўйилган хавфсизлик нормативлар мавжудлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бу ерда гап атроф табiiй муҳит сифатининг давлат томонидан нормага солиниши ва тегишли нормативларга риоя қилиниши устидан назорат олиб борилиши хусусида кетмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни 14-моддасига биноан, Хўжалик фаолиятининг атроф табiiй муҳитга зарарли таъсири атроф табiiй муҳит сифатининг аҳолининг экология жиҳатидан хавфсизлигини, табiiй ресурсларни тиклаш ва муҳофаза қилишни кафолатловчи нормативлари ва стандартлари билан чеклаб қўйилади.

Худудий-ишлаб чиқариш мажмуиларини таркиб топтиришда, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилишни ривожлантиришда ҳамда шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктларини қайта қуриш ва таъмирлашда атроф табiiй муҳитга бўладиган таъсирнинг йўл қўйиш мумкин бўлган меъёрлари белгиланади.

Қонундаги асосий маъно шуки, атроф-муҳит сифатини баҳолаш учун тўғри келган физикавий-химиявий нормативлар эмас, балки инсон вужудида салбий оқибатлар юзага келтирмайдиган даражада атроф-муҳитга таъсир ўтказиш чегараларини белгилаб берадиган нормативлар ишлатилади. Ўз ўзидан маълумки, шахснинг манфаатларини кўзлаган ҳолда тегишли нормативлар биров оғирлаштирилиши, кескинлаштирилиши мумкин, зеро, қоидалар ва талаблар қанчалар қаттиқ бўлса, унинг манфаатлари ва биринчи навбатда соғлиғи шунчалар ишончли муҳофазаланган бўлади.

¹¹ Шемшученко Ю.С. Правовые проблемы экологии. Киев. 1999. – С. 19-20.

¹² Файзиев Ш.Х. Теоретические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2004, -бет.



Республикамизда атроф табиий муҳит сифати нормативлари тизими ҳали унча ривожланган эмас. Дунёнинг тараққий этган мамлакатлари тажрибасини ўрганиш ва улардан фойдаланиш асосида бу ҳолатдан тез орада чиқиб кетамиз, деб ўйлаймиз. Аммо бизда атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларнинг йўл қўйса бўладиган миқдорларининг нормативлари етарли даражада ишлаб чиқилган.

Инсоннинг меҳнат қобилятига, ҳаётининг фаолиятига, умрининг узун-қисқалигига, умуман, сиҳат-саломатлигига таъсир кўрсатадиган асосий омил бўлмиш атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишимиз лозим¹³.

Барқарор экологик вазиятни вужудга келтириш, инсон ҳаёти ва фаолияти учун қулай экологик шарт-шароитлар яратиш, одамларнинг саломатлигини таъминлаш масалаларини ҳал қилиш юридик ва жисмоний шахслардан қонунларда кўрсатиб қўйилган ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилишларини ҳамда уларни ўз вақтида бажаришларини талаб этади¹⁴.

“Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 17-моддасида: “Атмосфера ҳавосига зарарли таъсир кўрсатувчи транспорт воситалари ва бошқа қатнов воситалари ҳамда қурилмаларини таъмирлайдиган ва уларга техник хизмат кўрсатадиган корхоналар ва ташкилотлар ишлатилган газлардаги ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ҳамда улар физикавий омиллари зарарли таъсир кўрсатишининг нормативларга мувофиқлигини текшириш ва тартибга солиб туришни таъминлайдилар”, деб белгиланган.

Иқтисодий тараққиёт шароитида ишлаб чиқариш билан атроф-муҳит ўртасидаги алоқалар янада жипслашиб бораверади. Ўзини фаол ҳаётининг жуда кўп қисмини инсон айнан ишлаб чиқариш жараёнида ўтказади. Шунинг учун ички ишлаб чиқариш соҳасидаги экологик нормативларини ҳисоб-китоб қилиш масаласи аввалгидек кескинлигича қолаверади. Бу муаммолар ҳам комплекс характердаги атроф муҳит сифати нормативларини ишлаб чиқишни кучайтириш доирасида ҳал этилади. Улар атроф муҳитга антропоген (инсон фаолияти натижасида ўзгарадиган) таъсирининг йўл қўйса бўладиган чегараларини белгилашга имкон яратади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, юридик нуқтаи назардан қулай атроф табиий муҳитни сифати расмий равишда тан олинган санитария-гигиена ва экологик нормативларнинг комплекс талабларига жавоб берадиган, инсон истиқомат қиладиган муҳит сифатида тавсифлаш мумкин. Муаллиф Ю.С.Шемшученконинг “атроф муҳит ҳолатининг ушбу нормативларга мос келиши унинг хавфсизлигидан, мос келмаслиги эса инсон ҳаёти учун хавфлигидан, яъни ноқулайлигидан далолат беради”, деган нуқтаи назарини қўллаб-қувватлайди¹⁵.

Шундай экан, инсоннинг қулай атроф табиий муҳитда яшаш ҳуқуқи санитария-гигиена ва экологик нормативларнинг сифатий ва миқдорий кўрсаткичларига аниқ риоя қилинишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Инсон саломатлиги атроф муҳит сифатининг универсал кўрсаткичи деб ҳисобланиши лозим. Ҳозирги пайтда инсон

¹³ Ж.Т.Холмўминов, Н.Р.Маллаев. Атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш. Т., 2004, 9-бет.

¹⁴ Ж.Т.Холмўминов, Н.Р.Маллаев. Атмосфера ҳавосини ҳуқуқий муҳофаза қилиш. Т., 2004, 23-бет.

¹⁵ Шемшученко Ю.С. Человек и его право на безопасную (здоровую) окружающую среду. Государство и право. 1993 № 10. – С. 123.



саломатлиги давлатнинг экологик сиёсати нақадар самарали ёки самарасизлигини баҳолашнинг асосий кўрсаткичи бўлиб қолмоқда.

Бу эса, ўз навбатида ижтимоий-ҳуқуқий характердаги ўзаро ҳаракатлар ўзаро боғланган уч йўналишда амалга оширилади: биринчидан, атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш; иккинчидан, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; учинчидан, аҳолининг экологик хавфсизлигини таъминлаш¹⁶.

¹⁶Файзиев Ш.Х. Теоритические проблемы правового обеспечения экологической политики Республики Узбекистан. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2004, -бет.